ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1135-1138

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ - ИНСОННИ КОМИЛЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Махбуба Аслановна Халмухамедова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
maxbuba.xalmuxamedova71@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Нақшбандия тариқатини комил инсонни тарбиялаш воситаси эканлиги баён этилган.

Калит сўзлар: Нақшбандия тариқати, комил инсон, нақш солувчи, Қуръон, Тариқат, сўфи, тарки дунёчилик, зикру-самоъа, тасаввуф.

TEACHING NAKSHBANDIA IS THE WAY LEADING TO PERFECTION

ABSTRACT

The article discusses the teachings of Naqshbandiya as a means of educating an ideal person.

Keywords: Naqshbandi teaching, ideal person, embroiderer, Koran, tarikat, Sufi, abandoned worldly life, dance of dervishes, Sufism

КИРИШ

Бухорони Бухорои Шариф даражасига кўтарган, фақатгина Ислом оламигина эмас, балки бутун дунёга танитган улуғ ватандошларимиздан бири Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) бўлиб, тарихда Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум ва машҳурдир.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон тариқати, ҳозирги кунда Хожагон-Нақшбандия ёки Нақшбандия тариқати деб аталувчи таълимот асосчиси ҳисобланади.

Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида дунёга келди. Баҳоуддин Нақшбандий оиласи ва фарзандлари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Унинг Муҳаммад пайғамбар авлодларига мансуб саййидзодалардан эканлиги қайд этилган.Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётида бобосининг алоҳида хизмати бор. У сўфийлар билан яқин алоқада бўлган. Шу сабабли набирасида илоҳиётга катта

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1135-1138

қизиқиш уйғотди. Баҳоуддин Нақшбанд аввал Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, сўнгра уларнинг шогирдлари Саййид Амир Кулол қўлларида тарбия олиб тариқат илмини ўргандилар. Лекин уларнинг эътирофларича бутун қалблари ила руҳий пирлари Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний билан боғланганлар. Нақшбанд икки марта ҳаж қилган. Ғарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати – деҳқончилик ва кейинроқ кимхобга нақш солиш билан кун кўрган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, илмий мероси ва тариқат давомчилари ҳақида юртимиз ва ҳорижий мамлакат олимлари томонидан атрофлича таҳлил этилган ва ўрганилган. Буюк тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф”, „Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи“, Садриддин Салим Бухорийнинг “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари”, “Дилда ёр”, “Буюк Ғиждувонийлар” асарларида, шунингдек Гулчеҳра Наврўзова, Каромат Қиличеваларнинг илмий ишларида нақшбандия тариқати мавзуси атрофлича ёритилгандир. Рус олимлари В.А.Гордлевский, А.А.Семёнов, О.Ф.Акимушкин, Е.Э.Бертельслар томонидан, шунингдек инглиз тасаввуфшуноси Ж.С.Тримингэм, Англияда яшаб, ижод қилаётган нақшбандшунос Идрис Шоҳ, туркиялик тасаввуфшунос, нақшбандшунос олимлар Маҳмуд Асъад Жўшон, Усмон Турар ва бошқалар нақшбандия тариқатини тадқиқ қилганлар. Насафий номи билан ижод қилган Е.Е.Березиков томонидан “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд” асарида Нақшбандия тариқати ҳақида ўзгача услубда маълумот берилган.

Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандниng увайсий пири бўлиб, Нақшбандия тариқатининг 11 рашҳаси, яъни қоидасининг 8 таси улар томонидан яратилгандир. Али Сафий “Рашаҳот ” асарида Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳақида шундай деган

“Ва яна Ҳазрати Хожа (Абдуҳолиқ)нинг калимоти қудсияларидин турур ва бу саккиз иборатким хожагон қаддасаллоҳу арвоҳахум тариқатларининг биноси онга турур: ҳуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, ҳилват дар анжуман, ёдкард, бозгашт, нигоҳдошт,ёддошт”. Буларнинг ғайри борча пиндошт, яъни ужбу ғурур турур” [1] яъни (Хожагонлар тариқати биносининг асоси ҳисобланган қуйидаги саккиз сўз Хожа Абдуҳолиқнинг калимоти қудсияларидан ҳисобланади: ҳуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, ҳилват дар анжуман, ёдкард, бозгашт, нигоҳдошт,ёддошт”. Булардан ўзга нарсаларнинг барчаси пиндошт, яъни манманлик ва ғурур ҳисобланади.)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1135-1138

Бундан равшан бўлмоқдаки Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидаги 8 рашҳа Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан олинган ва қолган 3 рашҳаси “вуқуфи замоний”, “вуқуфи адади” ва “вуқуфи қалбий” лар Баҳоуддин Нақшбанд томонидан яратилгандир.

НАТИЖАЛАР

Тариқатнинг асл мақсади комил инсонни тарбиялашдир. Аввал шариат сўнгра тариқат ва ниҳоят ҳақиқатга етишиш Аллоҳ наздида комилликка эришишидир. Шариат бу Аллоҳ Таоло ва пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.в.томонидан бизга суннат қилинган қоидалар бўлса, тариқат ундан сўнг келувчи комилликка эришиш йўлидир. Тариқат сўзи араб тилида “йўл” маъносини билдиради. Тариқат йўлидан юриб комилликка эришган инсонгина ҳақиқатга етишади. Шариатни биз мактаб деб таърифласак, тариқатни олийгоҳ дейишимиз мумкин.

Нақшбандия тариқатида Қуръон ва суннатга тўлиқ риоя қилинади. Буни ушбу тариқатнинг узоқ йиллар давомида фақат бизнинг мамлакатимизгина эмас, балки Ислом оламида ва шу билан бирга ғарб мамлакатларида ҳам юқори обрў ва эътиборга сазовор бўлиб келаётганлиги ҳам тасдиқлаб туради.

Нақшбандия тариқатининг бундай халқ орасидаги оммалашиши унинг халққа яқинлиги, жамиятдан узилмаганлиги, барча замону маконда долзарблигини йўқотмаслигидир. Ушбу тариқатнинг асосий ғояси ҳалол ва пок ҳаёт кечиришга қаратилгандир. Шунингдек Дил ба-ёру, даст ба-кор, яъни қалбинг Аллоҳда ва қўлинг меҳнатда бўлсин шиори тариқатнинг асл моҳиятини очиб беради. Нақшбандия тариқатидан аввалги тариқатларда сўфилар зикру-самоъага берилиб, жамиятдан узилган ҳолда ҳаёт кечиришар эдилар. Бу сўфилар ҳақида маълум бир салбий фикрларни келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди.

МУҲОКАМА

“Тариқатлар орасида Нақшбандия тариқати танлангани бежиз эмас. Бунга сабаб Нақшандия тариқати ундан олдинги тариқатлар сингари тарки дунёчиликни эмас, балки ҳалол, пок меҳнат орқали кун кўриш ва албатта бирор бир касб эаси бўлиш лозимлигини уқтирганлар, бирор касби ёки ҳунари йўқ инсон ушбу тариқатга қабул қилинмаган.”[2]

Инсон энг аввало атрофидагиларга, жамиятга наф тегадиган бўлиши лозим. Касби ёки ҳунари йўқ инсон на ўз оиласига, на жамиятга наф келтиради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1135-1138

Шахс ҳаётининг манфаатлари жамият манфаатларига тобеъ бўлиши лозимлиги уқтирилган.

Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг ”Мақомоти Хожа Нақшбанд” асарида шундай ривоят келтирилган: Бир кун Ҳирот подшоси Малик Ҳусайн Баҳоуддин Нақшбандийни меҳмондорчиликка чорлайди. Ўзи

ҳоҳламаган тарзда мажбуран шоҳ ҳузурига борган шайх дастурхон бисёр ноз-неъматларни кўради. Шайх уларга бепарво ўтираверади. Таомлардан танаввул этишни Шайҳдан ўтиниб сўрайдилар. Бир туз тотмаган Шайх охирида айтадики, мен подшоҳлар дастурхонидан овқат емайман, чунки бу

таомлар ҳақсизлик билан топилган, подшонинг ўз меҳнати, қўл кучи билан яратилмаган, улар ҳалол эмас.

“ Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг моҳияти инсон ва унинг камолоти масаласидар..... Баҳоуддин Нақшбанд инсонни Аллоҳ яратганини ва у бутун борликдаги энг мукаммал мавжудод эканлигини тан олади.”[3]

Нақшбандия тариқатида хурфикрликка рухсат этилган, ўзганингфикрини рад этиш йўқ, яъники бу қарашлар бизга тўғри келмас, лекин уни инкор этмаймиз дейилган.

Тариқатда инсонни мукаммалликка элтувчи сифатида зоҳиран халқ билан, ботинан Хақ билан бўлмоғликни таъкидлайди. Бунда Ҳаққа етишиш деганда, инсонни ўз-ўзини таниши, маърифатли бўлиши, ўз нафсини енгиши назарда тутилади. Фақат нафсидан устун келган инсонгина комил инсон бўлиши мумкин, зеро инсонни тубанликка олиб борувчи йўл ,бу нафснинг қули бўлмоқлигидир.

ХУЛОСА

Нақшбандия тарикати ғоялари буюк сиймоларимиз Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ижодига, фалсафий қарашларига катта таъсир кўрсатган. Шунингдек ушбу тариқатга Темурийзодалар, буюк олиму уламолар кирганлар. Булардан шох ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳам алоҳида урғулаб ўтишимиз мумкин. Бу бизга ушбу тариқат нақадар тўғри,

REFERENCES

1. Фахриддин Али Сафий “Рашаҳот” Тошкент-2003 йил,31 бет
2. M.A.Khalmukhamedova” The importance of improving students’ professional competence of technological education in naqshbandiya tarikat (path of spiritual development)” Volume 4, Issue I, January 2021 | 266
3.Г.Н.Наврўзова “Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод” Тошкент-2019.10бет